

## Баҳрул улум Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳнинг Тошкентдаги зиёратлари



17:07 / 10.10.2019 1913

*Аввал хабар қилганимиздек, улуғ муҳаддис, усулий фақиҳ, баҳрул улум, Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳ Тошкент бўйлаб зиёратни бошлаган эдилар.*

Бугун 2019 йил 10 октябрь куни баҳрул улум, Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳ Тошкентдаги Қорасарой кўчасининг Ҳасти Имом (Ҳазрати Имом) мажмуасидан бошладилар ва у ердаги музей-кутубхонада сақланаётган Усмон Мусҳафини кўздан кечирдилар.

Кейин Абу Бакр Қаффоли Шоший роҳимаҳуллоҳнинг қабрлари зиёрат қилинди.

Сўнгра Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Кўкча даҳасидаги «Шайх Зайниддин» қабристонига келишди. У ерда фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ қабрлари зиёрат қилинди.

Шундай қилиб, улуғ аллома, баҳрул улум, Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳнинг айниқса, юртимиз – Ўзбекистонга ташриф буюришлари, муқаддас қадамжоларимизни зиёрат қилишлари унутилмас, тарих зарварақларига битилди.

Шу билан улуғ муҳаддис, усулий фақих, баҳрул улум, Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳнинг Ўзбекистон бўйлаб қилган зиёратлари ўз ниҳоясига етди.















***Islom.uz*** портали таҳририяти